

Ўтган вақт инсоннинг ё фойдаси, ё зарарига ҳужжатдир



11:25 / 19.10.2018 4252

Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда:

“Ўтаётган ҳар бир лаҳза инсон ҳаёти ва умрининг бир қисмидир. У қиёмат куни инсоннинг фойдаси ё зарарига гувоҳлик беради. Шунинг учун мусулмон киши ўтказаетган вақтини зийрак тижоратчи каби ҳар доим сарҳисоб қилиб бориши лозим. Ҳар кун, ҳафта, ой ва йилда мусулмон киши ўтаётган вақтида нимадан фойда кўргани, фойда қанча бўлгани, зарари, фойда нима сабабдан бўлгани, нима сабабдан зарар кўрганини сарҳисоб қилиб, фойдани ошириб, зарарни йўқотишга уриниб бориши лозим. Чунки тижоратчи йўқотган молини яна ортиғи билан қўлга

киритиши мумкин. Аммо вақтини йўқотган инсон эса уни қайта қўлга киритиши асло мумкин эмас.

Яна вақт бетараф бўлмайди, ё сенга қадрдон дўст ёки ашаддий рақиб бўлади. Яъни, ўтган вақт инсоннинг ё фойдаси, ё зарарига ҳужжат бўлади”.

Қудратуллоҳ Сидиқметов, Абдулқодир Пардаев таржимаси